

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

291 «2008 йилда олий таълим муассасаларига фойсиз
бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар кири-
тиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1818-1*

(2009 йил 27 июндан кучга киради)

Бюджетдан ташқари даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик тафовутларни қоплаш учун олий таълим муассасаларига молиявий кўмак бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги 60, 152-1-сонли «2008 йилда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1818, 2008 йил 29 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 22-23-сон, 212-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 июнь,
63-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 июнь,
196-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг
2009 йил 10 июндаги 63, 196-сонли қарорига
ИЛОВА

**«2008 йилда олий таълим муассасаларига фоизсиз бюджет
судаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Номи ва 1-бандидаги «2008 йилда» сўзлари «2008 ва 2009 йилларда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

номи ва сўз бошидаги «2008 йилда» сўзлари «2008 ва 2009 йилларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «2008 йилда» сўзлари «тегишли равишда 2008 ва 2009 йилларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова мазкур ўзгартиришларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрир этилсин;

2-илова мазкур ўзгартиришларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрир этилсин.

«2008 йилда олий таълим муассасаларига
фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«2008 ва 2009 йилларда олий таълим
муассасаларига фоизсиз бюджет ссудаларини
ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

КЕЛИШИЛДИ
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Вазир _____ М.Ў.
(имзо) (Ф.И.О.)
20__ йил «__» _____

ТАСДИҚЛАЙМАН
(юқори турувчи вазирлик (идора)
Раҳбар _____ М.Ў.
(имзо) (Ф.И.О.)
20__ йил «__» _____

_____ тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг иш ҳақи, ягона ижтимоий тўлов ва стипендия
(вазирлик (идора) номи)

**харажатларини қоплашга бюджет ссудаларини ажратиш учун
ТАЛАБНОМА**

№	Олий таълим муассасаси номи	Жами маблағ тақчиллиги: 2008 й. 1 январдан 30 сентябргача; 2009 й. 1 январдан 31 августгача	шу жумладан							
			(ой)				(ой)			
			жами	шу жумладан			жами	шу жумладан		
				иш ҳақи	стипендия	ажратма		иш ҳақи	стипендия	ажратма
1.										
2.									
	Вазирлик (идора) бўйича ҳаммаси									

Вазирлик (идора) бош ҳисобчи _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Вазирлик (идора)нинг молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи _____
(имзо) (Ф.И.О.)

муҳр ўрни»

Жадвалнинг давоми

минг. сўм

шу жумладан											
(ой)				(ой)				(ой)			
жами	шу жумладан			жами	шу жумладан			жами	шу жумладан		
	иш ҳақи	стипен-дия	ажратма		иш ҳақи	стипен-дия	ажратма		иш ҳақи	стипен-дия	ажратма

«2008 йилда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«2008 ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**иш ҳақи, ягона ижтимоий тўлов ва стипендия харажатларини қоплаш учун бюджет ссудасига талаб бўйича
ҲИСОБ-КИТОБ**

(олий таълим муассасаси номи)

минг. сўм

№	Кўрсаткичлар	Муассаса томонидан ҳисобланган				
		20__ йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик	Жами харажатлар	шу жумладан ойлар бўйича		
(ой)	(ой)			(ой)		
I.	ДАРОМАДЛАР, жами					
	шу жумладан:					
1.1.	Тўлов-контракт маблағларининг 20__ й. 1 январь ҳолатидаги қолдиги (ҳисобот бўйича)					
1.2.	20__ йил 1 март ҳолатига тушум (20__ /20__ ўқув йили учун)*					
II.	ХАРАЖАТЛАР, ҳаммаси					
	касса харажатлари	x	x	x	x	x
	ҳақиқий харажатлар	x				x
	шу жумладан:	x	x	x	x	x
2.1.	Иш ҳақи		x	x	x	x
	касса харажатлари	x				x
	ҳақиқий харажатлар	x				x
2.2.	Стипендия		x	x	x	
	касса харажатлари	x				x
	ҳақиқий харажатлар	x				x
2.3.	Ягона ижтимоий тўлов		x	x	x	
	касса харажатлари	x				x
	ҳақиқий харажатлар	x				x
2.4.	4-гурӯҳ харажатлари		x	x	x	
	касса харажатлари	x				x

№	Кўрсаткичлар	Муассаса томонидан ҳисобланган					
		20__ йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик	Жами харажатлар	шў жўмладан ойлар бўйича			____ (сана) ҳолатига жами қарздорлик****
				____ (ой)	____ (ой)	____ (ой)	
	ҳақиқий харажатлар	х				х	
	____ (сана) ҳолатига ҳисоб-рақамдаги маблағ қолдиғи**	х		х	х	х	
	____ (сана) ҳолатига маблағларнинг етишмовчилиғи (-), ортиқчилиғи (+)***						

* даромадларга талабалар томонидан 20__/20__ ўқув йилда ўқитишнинг тўлиқ қийматини ўз вақтида тўламаганлик юзасидан тушиши кутилаётган маблағлар, шунингдек бошқа тушумлар ҳам киритилиши лозим.

** жами даромад (айирув) жами касса.

*** жами даромад (айирув) жами ҳақиқий харажатлар (айирув) 20__ йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик.

**** касса (айирув) ҳақиқий харажатлар (айирув) 20__ йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик.

ОТМ Ректори

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

ОТМ бош ҳисобчиси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

ОТМ молия-режа бўлими бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

муҳр ўрни»